Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 122 (5713).
29 МАЙ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

«Подъёмник» заводи 3-механика цехининг бошлиқ бригадаси аъзолари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан Ўзбекистон ССР ва Тошкентнинг илғор ишчилари бошлаган ташаббусни қизғин мухокама қилдилар. Мусобақа пешқадамларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида меҳнат қилиш ҳақидаги даъвати ҳеч кимни ҳотиржам қолдиргани йўқ. Бригада ана шу шонли сана шарафига ўз зиммасига юксак мажбуриятлар қабул қилди. Бригада аъзолари мазкур мажбуриятнинг ҳар бир бандини бажариш учун юксак сафарбарлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларидан омилкорлик билан фойдаланиш, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш лозим эканлигини яхши тушунишади. Шунинг учун коллектив ўз фаолиятида ана шу омилларга алоҳида эътибор бермоқда. Бригаданинг роторлар тайёрлаш билан шуғулланувчи ишчилари турдош ихтисосликларни пухта эгаллаб олишган, бир-бирларини яхши тушунишади. Шу сабабли натижалар ҳам салмоқли бўляпти. Машинасозлар иш сифатининг аъло даражада бўлишини таъминлаш билан бирга смена топшириқларини 115—120 процент адо этишяпти.

Завод коллективи ҳам республика пойтахтининг барча меҳнаткашлари қаторн КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қиляпти.



СУРАТДА: завод пешқадам бригадасининг етакчиси В. И. Панов.

М. Нуриддинов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сарфлашда белгиланган тартибга риоя этилиши учун талабчанликни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Марказий Комитет Бюроси Озиқ-овқат саноати министрлиги, Тайёрлаш министрлиги, Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарларига галла маҳсулотлари етиштириш, асрашдаги камчиликларни, уларнинг сифати ва хилини, савдосини яхшилашни кўрсатиб ўтди. Партия ва совет ташкилотлари бу масалада дарҳол тартиб ўрнатишлари, озиқ-овқат билан молни боқиш ҳолларига ўз вақтида чек қўйишлари, бундай ҳолларга сиёсий баҳо беришлари, айбдорларни ҳамда бунга кўмаклашаётган шахсларни партиявий ва маъмурий жавобгарликка тортишлари керак. Тошкент трактор заводи партия ташкилотининг меҳнат коллективи ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш соҳасидаги фаолияти кўриб чиқилди. Марказий Комитет Бюроси партия ташкилотининг иш тажрибасини маъқуллади ва область партия комитетларига уни оммалаштириш тадбирларини кўришни таклиф этди. Завод партия комитети билан маъмуриятига ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини юксалтиришдаги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат сифатини ошириш масалаларини комплекс ҳал этишдаги ижобий натижаларни янада ривожлантиришга кучғайратни қаратиш топширилди. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдира бориб, коллектив қабул қилган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, шу мақсадда мавжуд имкониятлар ва резервлардан тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

Фарғона области раҳбар кадрлари ўртасидаги ғоявий-сиёсий ишнинг аҳволи тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида мухокама қилиш чоғида шу нарса қайд этиб ўтилдики, область, шаҳар ва район партия комитетлари раҳбар коммунистларнинг марксча-ленинча таълими мазмунига ҳали етарлича чуқур кириб бормаяптилар, ғоявий-назарий савияни муттасил ошириш учун уларга нисбатан юксак талабчанлик қилмаяптилар. Айрим раҳбар кадрлар ўз маълумотларини оширмаяптилар, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, партия ҳужжатларини камдан кам қўлланмоқдалар. Партия-хўжалик ҳамда идеология активи шаҳар ва район мактабларига тегишли эътибор берилмаяпти. Қабул қилинган қарорда раҳбар ходимларни юксак сиёсий маданият руҳида камол топтиришдаги камчиликларни тугатишга, кадрларни ғоявий чиниқтиришнинг барча форма ва методларини такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри ўртоқ С. П. Пўлатов ҳисоботи юзасидан қабул этилган қарорда шу министрлик коллегиясининг иш услуби ва методлари кескин танқид қилинди. Министрликка ўз фаолиятини тубдан қайта қуриш, ўқув юртларида қатъий тартиб ўрнатиш, ижрочилик интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш топширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг йўл-йўриқларига мувофиқ, қоғозбозликка ва мажлисбозликка барҳам бериш, салбий ҳолатларга, айниқса, таниш-билишчилик, порахўрлик ва таъмагирлик фактларига қарши курашни кучайтириш керак. Марказий Комитет Бюроси Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг партия бюроси зиммасига бошланғич партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш, раҳбарлар Устав талабларини ва хизмат бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини мунтазам суратда тинглаб туриш, эркин ва принципиал фикрлашиб олиш учун зарур шароитларни вужудга келтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш мажбуриятини юклади.

Электротехника саноати корхоналари партия ташкилотлари секретарларининг иқтисодий эксперимент шароитида маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш ва шартнома мажбуриятларини бажариш бюросидаги ҳисоботлари муҳокама қилинди. Корхоналарнинг партия комитетлари ва партия бюроларига ишлаб чиқариш, техника ва иқтисодий хизматларга, уларнинг раҳбарларига, айниқса, коммунистларга талабчанликни кучайтириш ҳақида кўрсатма берилди. Маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишлар чорвачиликни жадал ривожлантириш талабларига тўла жавоб бермайди. Баъзи партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари озуқа етиштирувчи ва озуқа ишлаб чиқарувчи бригадаларда партия таъсирини кучайтириш, социалистик мусобақани ташкил этиш, ходимларга зарур меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масалаларига етарли эътибор бермаяптилар. Марказий Комитет Бюроси область ва район партия комитетлари, агролотлари секретарларининг иқтисодий эксперимент шароитида маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш ва шартнома мажбуриятларини бажариш бюросидаги ҳисоботлари муҳокама қилинди. Корхоналарнинг партия комитетлари ва партия бюроларига ишлаб чиқариш, техника ва иқтисодий хизматларга, уларнинг раҳбарларига, айниқса, коммунистларга талабчанликни кучайтириш ҳақида кўрсатма берилди. Маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишлар чорвачиликни жадал ривожлантириш талабларига тўла жавоб бермайди. Баъзи партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари озуқа етиштирувчи ва озуқа ишлаб чиқарувчи бригадаларда партия таъсирини кучайтириш, социалистик мусобақани ташкил этиш, ходимларга зарур меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масалаларига етарли эътибор бермаяптилар. Марказий Комитет Бюроси область ва район партия комитетлари, агросаноат комплекси министрликлари ва идоралари аппаратига айрим колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг озуқа етиштиришга бегамлик билан муносабатда бўлаётганликларига барҳам бериш, озуқа тайёрлаш суръатини кучайтириш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади. Илғор коллективларни рағбатлантириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, шунингдек пул мукофотлари таъсис этилди. Кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари ойлик иш якунларига қараб берилади.

Коллектив боғдорчилик ва полизчиликни янада ривожлантириш билан боғлиқ баъзи масалалар муҳокама этилди. Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ўн иккинчи беш йилликда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планида 1986 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳамда моддий ресурсларни боғдорчилик участкалари учун ажратиб беришни кўзда тутишни таклиф этди. Касаба союз органлари меҳнаткашларни боғдорчилик ширкатларига қабул қилиш қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашлари, виждонан меҳнат қилувчи ишчилар ва хизматчиларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат ветеранларига афзаллик беришлари лозим.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми иштирокчилари айтган таклиф, илтимос ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқиб, партия комитетларига, министрликлар ва идораларга тегишли топшириқлар берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида хўжаликка раҳбарлик қилишга, партия комитетлари билан бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларига доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама этилди.

• XII Жаҳон фестивали делегатлари

Равиля Аҳмедованинг меҳнат календари

Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тўқув ишлаб чиқаришининг комсомол-ёшлар бригадаси аъзоси Равиля Аҳмедова йиллик план-топшириғини ёшлар ва студентларнинг Москва XII Жаҳон фестивали очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилди.

Қизча оҳиста ҳикоя қилар, унинг нозик бармоқлари эса станокларнинг бир маромда янграётган овозига мос равишда чаққонлик билан ипларни уларди.

— Комбинатда ишлаётганимга саккиз йил бўлди, — дейди Равиля. — Назаримда, тўқувчи билан музикачининг меҳнатида муштарак нарсалар кўп. Иккови ҳам бармоқларини тез ишлатиши, аниқ ҳаракат қилиши, маромни ҳис эта билиши керак. Шунинг учун ҳам ишдан музика мактабига ўқишга кирдим. Бу эса кўп жиҳатдан асосий ишимда қўл келмоқда.

Равиля кормадаги 21 та ўринга 33 та станокда хизмат қилиб, план - топшириқларини 110-115 процент бажармоқда. Энг муҳими, дейди ёш тўқувчи меҳнатга виждонан муносабатда бўлишдадир.

Равиля станокларни ишга шайлаш, ёрдамчи жараёнларни бажаришга улгуриш учун ҳар куни комбинатга смена бошланишидан ярим соат илгари етиб келади. Чаққон қўллари дадил ва аниқ йўргалайди.

Аҳмедова бригада комсомол ташкилотчисининг ёрдамчиси сифатида коллективнинг жамоат ҳаётида фаол қатнашмоқда. У хом ашёни тежаш бўйича бригада комиссиясининг аъзоси, Фрунзе район Советининг депутати, яқинда цех коммунистлари уни КПСС аъзолигига кандидат этиб қабул қилишди.

— Равиля коллективнинг жон-дили, — дейди бригада комсорги Светлана Никитина. — Камтарин, меҳнатсевар, ҳар кимнинг қалбига йўл топа оладиган, ширин сўз қиз. Виров ёрдам сўраб мурожаат қилса, сира рад этмайди. Равиля Аҳмедова ёшларнинг жаҳон анжуманига республикамиздан вакил бўлиб боришидан биз, комбинат ёшлари фахрланамиз.

А. ИВАНОВ.
(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

27 май куни Кремлда Германия Социал-демократик партиясининг Раиси, Социалистик интернационал Раиси В. Брандт шарафига нонушта зиёфат берилди.

Зиёфатда В. Брандт билан бирга унинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган ГСДПнинг таниқли арбоблари, ГФРнинг СССРдаги элчиси И. Кастль бўлдилар.

Совет томонидан М. С. Горбачев, А. А. Громико, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров, В. В. Загладин, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нонушта зиёфатда нутқ сўзлади.

В. Брандт жавоб нутқи сўзлади.

М. С. Горбачев билан В. Брандт нутқлари бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

* * *

Тошкентда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун навбатдаги матбуот конференцияси ўтказилди. У мамлакат Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда агросаноат бирлашмаларининг роли ҳамда матбуот ходимлари олдида турган муҳим вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмалари асосида республика агросаноат комплексини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

* * *

Кеча область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда 1985—1986 ўқув йилида шаҳар ва районларда мактаб ислоҳотини амалга ошириш ва ҳунартехника билим юртларини комплектлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

Кенгашда область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

ОЛИМЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент политехника институтининг олимлари ишқаланиш жараёнларининг электромагнит табиатини аниқладилар. Улар ўтказган тадқиқотлар ишқаланиш ҳақидаги фан—трибологиянинг ҳозиргача кам ўрганилган янги муаммоларини ҳал этиш имконини берди. Улар турли материалларни ишлашнинг мукаммалроқ методларини яратиш учун асос қилиб олинди. Тошкентда ўз ишини тамомлаган «Ишқаланиш, ейилиш ва мойлаш материаллари» мавзуидаги халқаро конференцияда шулар ҳақида гапирилди. Конференцияда СССР Фанлар академияси синтетик полимер материаллар институтининг директори, академик Н. С. Ениколопов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. В. Дерягин ва жаҳоннинг деярли 20 мамлакатидан келган бошқа таниқли олимлар доклад ва ахборотлар билан чиқишди.

— Кейинги вақтларда машина ва механизмларнинг узелларини етарли даражада пухта сақловчи янги материаллар, мойлар яратилган бўлса ҳам, — дейди СССР Фанлар академияси механика проблемалари институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати академик А. Ю. Ишлинский, —пишиқпухталик проблемаси ҳали тўла ҳал этилгани йўқ. Чуқур фундаментал тадқиқотлар етарли эмас. Ҳозир бундай тадқиқотларни физиклар, химиклар, ишқаланиш масалалари билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммаси олиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон олимларининг туп-роқда ишқаланишга доир ишлари истиқболлидир. Бу ишлар қувурларни ётқизиш вақтида ғоят муҳимдир. Шу боисдан ҳозирги сингари учрашувлар жуда фойдалидир.

— Тошкентда бўлиб ўтган конференциянинг муҳимлиги яна шундаки, — деб уқтирди трибология билан шуғулланувчи француз кенгашининг президенти профессор М. Армбрустер, — ишқаланиш назарияси соҳасида иш олиб бораётган жаҳондаги деярли барча етакчи олимлар шу ерга тўпланишди. Биз кўпгина муаммолар юзасидан фикрлашиб олдик. Биз совет ҳамкасбларимиз билан бир неча йилдан буён самарали алоқаларни давом эттирмоқдамиз. Ҳозирги учрашув бизга қўшимча омил бўлди, биргаликда олиб бораётган изланишларнинг янги йўналишларини кўрсатди.

(ЎзТАГ).

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Етук социализм шароитида ишлаб чиқарувчи кучларни ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш омиллари ва йўллари хусусидаги ҳозирги «советшунослар»нинг қарашларини танқид қилиш актуал проблемалари 28 май куни Тошкентда иш бошлаган Бутуниттифоқ илмий конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. И. Капустин мажлис аҳли ҳузурида кириш нутқи сўзлади.

Барча иттифоқдош республикалар академиялари илмий-тадқиқот институтларининг, олий ўқув юртларининг вакиллари олимларнинг СССР ва иттифоқдош республикалар иқтисодий ўсиши хусусидаги ҳозирги буржуа ва ревизионист концепцияларини фош қилиш соҳасидаги вазифаларини кўриб чиқадилар, контрпропаганда иши тажрибасини ўртоқлашадилар. Идеология активларига таълим беришни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

(ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Ташхимсельмаш» заводининг йиғув цехи конвейеридан бу йил биринчи марта экспортга мўлжалланган чанглагичпуркагич ва ғўзапоя суғуриб оладиган машиналарнинг дастлабки туркуми туширib олинди. Улар Африкадаги Танзания мамлакатига юборилади. Бу мамлакат биринчи марта корхонага ана шундай буюртма берди.

●

«Узоргтехколхозстрой» трестининг Тошкентдаги конструкторлик бўлими мутахассислари янги бетон қоладиган ускунанинг чизмаларини тайёрлаб беришди. Бу техниканинг афзалликлари шундаки уни исталган жойда тайёрлаш мумкин. Ускуна электр қувватини кам сарфлайди. Кичик ҳажмли қурилиш майдонларида жуда қўл келади. Бир соатда 120 кубометр бетон қориб бериш қудратига эга. Бу янгиликни тадбиқ этишдан бир йилда 20 минг сўм иқтисодий фойда олинади.

●

Республика маҳаллий саноат министрлиги хушхабар олди. Министрлик корхоналари Москвада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг XII фестивали рамзи туширилган тўрт хил буюмни тайёрлаш юзасидан диплом олди. Улар мис ўймакорлиги билан ишланган икки хил патнис бўлиб, улардан бирида фестиваль эмблемаси, иккинчисида «Катюша» исмли қизнинг тасвири туширилди. Бундан ташқари Тошкент кулоллари ишлаган «офтоба» ва гул вазалари ҳам фестиваль совғаларидир. Маҳаллий саноат министрлиги бўйича 28 хил буюм ана шундай диплом билан тақдирланди.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг марказий лойиҳа конструкторлик бюросига «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши илмий асбоблари — 85 халқаро виставкаси»нинг совет бўлими дирекцияси ва ташкилот комитетининг дипломи олинди. Маълумки, бу кўргазма Болгариянинг Пловдив шаҳрида ўтказилмоқда. У ерда Тошкент мутахассислари тайёрлаган замонавий приборлар муваффақиятли намойиш этилди. Конструкторлик бюроси коллективи виставкага тайёргарлик кўришга фаол кўмаги ва қатнашганлиги учун ана шу диплом билан тақдирланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун арталаб соат 11 да Тошкентда 27 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 31— 33 даража иссиқ бўлади.

СССРда Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунлари

ВЬЕТНАМ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

Тошкентликлар СССРда ВСР маданият кунлари қатнашчилари — Вьетнам Социалистик Республикаси вакилларини энг азиз ва орзиқиб кутилган меҳмонлар сифатида қўшиқлар айтиб, рақсга тушиб, гуллар билан кутиб олдилар.

Машҳур бадиий коллективлар — ВСР қўшиқ, рақс ва музика давлат ансамбли, «Тео ва Туонг» анъанавий халқ театри, Ханой опера ва балет театрининг солистлари, болалар цирк группаси саноат корхоналарида бўладилар, студентлар билан учрашадилар, Тошкентдаги билим юртлари, мактабларда ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Республикада қардош мамлакат фильмлари ҳафталиги бошланди.

Тошкент аэропортида Вьетнамдан келган меҳмонларни республика жамоатчилиги вакиллари, маданият ва санъат арбоблари кутиб олдилар.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизда Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунларн муваффақият билан ўтмоқда. Бу дўстлик байрами Ватанимиз пойтахти Москва ва бошқа шаҳарлар меҳнаткашларида яхши таассурот қолдирди. Дўстларимиз маданияти кунлари ўтказилиши ва шаҳримиздаги СССР халқлари дўстлиги музейида Вьетнам китоблари кўргазмаси очилиши муносабати билан қардош мамлакатнинг делегацияси Тошкентда бўлди.

Маданият кунлари программасида Вьетнам санъат усталари, ёзувчилари, рассомлари, архитекторлари билан қизиқарли учрашувлар бўлди. ВСР матбаачилари ҳамкасбларининг ишлари, Ўзбекистонда полиграфиянинг ютуқлари билан танишдилар, социалистик Вьетнамда бу соҳада эришилган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар.

Мухбиримиз Вьетнам Социалистик Республикаси маданият министрлиги маданият бошқармаси бошлиғи, Ханойдаги босмахоналардан бирининг директори Нгуен Куон Тхудан корхона коллективи тайёрлаб чиқараётган адабиётлар ҳақида гапириб беришни сўради.

— 500 дан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган босмахонамизда илмий-техника адабиётлари техника адабиётлари тайёрлаб чиқарилади. Москвадаги «Мир» нашриёти ходимлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қиляпмиз. Совет матбаачилари билан ижодий ҳамкорлигимиз, Вьетнам тилида айрим нашрларни тайёрлашда олаётган мададимиз катта аҳамият касб этмоқда.

Урушдан кейинги ўтган даврда мамлакатимизда 323 номдаги китоб ва брошюра 15 миллиондан ортиқ нусхада нашр этилди. Адибларимиздан До Хаай, Дик Лан, Нгуен Нгок ва бошқаларнинг асарлари СССРда кўпгина тилларда қайта-қайта нашр этилди. Биз Москвада бўладиган китоблар ярмарка-виставкасининг доимий қатнашчисимиз.

Сизнинг йирик китоб бирлашмалари н г и з да бўлиш, мўтахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашиш, ишимизда керак бўладиган кўпгина қизиқарли омилларни ўрганишимиз ҳар томонлама фойдали бўлди. Ўзбекистонда китоб нашр этиш ишларига жуда катта аҳамият берилар экан. Ранг-баранг адабиётлар кўп нусхада босиб чиқарилаётлиги қувонарлидир. Китоб магазинларида ўзбек, рус ва чет тилларда босилган адабиётларни кўриб қувондик. Бизнинг маданий алоқаларимиздаги яхши анъаналар бундан буён ҳам ривожланиб боради, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент бизда яхши таассурот қолдирди. Гуллаган серқуёш диёрнинг меҳнатчилари бизни самимий ва дўстона кутиб олдилар.

ХАЛҚ ТЕАТРИ

30 май куни Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат катта академик опера ва балет театри биносида СССРда Вьетнам Социалистик Республикаси маданиятн кунлари ёпилишида қатнашиш учун Вьетнам Социалистик Республикасининг марказий ашула ва рақс театри коллективи ҳам меҳмон бўлиб келди. Бу санъат масканн бундан 34 йил муқаддам Вьетбал (Шимолий Вьетнам)да тузилган. Америка босқинчиларига қарши олиб борилган уруш йилларида бу театр артистларн жанг майдонларида, окопларда ўзларнинг санъатларн билан жангчиларга мадад берганлар. Уларнинг концерт программаси шунинг учун ҳам «Қўшиқ бомбанинг портлашидан ҳам кучли янграйди» деб номланган.

Ҳозирги пайтда бу театр репертуаридан халқнинг жўшқин ҳаётини акс эттирувчи қўшиқлар ва рақслар ўрин олган. Ижодий коллектив жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатида гастроль сафарида бўлган, халқаро конкурсда Гран при мукофотини олган.

АТЕИСТИК МАВЗУЛАРДА

Илмий - назарий конференция

Тошкент политехника институти студент ва ўқитувчиларн учун институт партия комитетн, жтимоий фанлар кафедралари, КПСС Марказий Комитетн қошидагн жтимоий фанлар академияси илмий-атеизм институтн республикалараро филиали томонидан ташкил этилган «Дин ва ҳозирги замон» мавзунда илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда студентларнинг биринчи илмий-назарий докладларн билан бир қаторда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидагн академик И. Мўминов номидагн фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудирн, фалсафа фанларн доктори М. А. Усмонов, В. И. Ленин номидагн Тошкент Давлат университетининг профессорн, фалсафа фанларн докторн А. Э. Абдусамедов атеистик тарбия масалаларн ҳақида сўзладилар.

«Билим» жамиятн Тошкент шаҳар ташкилотн қошидагн илмий атеизмнн пропаганда қилиш бўйича шаҳар илмий-методик советининг ранси В. М. Лиходзиевский ва КПСС Марказий Комитетн қошидагн жтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтн республикалараро филиалн директорининг ўринбосарн Д. Н. Ганневнинг сўзларнн ҳам тўпланганлар қизиқиш билан тингладилар.

Қонуннинг қатъий кучи билан

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ЖИНОЯТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУҚУҚ МУҲОФАЗАСИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДАГИ ДУМАЛОҚ СТОЛИ

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тўғридан-тўғри айтиладики, «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш юзасидан илгари белгиланган тадбирлар қонқарсиз амалга оширилмоқда. Шу соцнал хавфли иллатга қарши кураш лозим даражада уюшқоқлик ва изчиллик билан эмас, кампаниячилик билан олиб борилмоқда. Бу ишда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари етарли даражада мувофиқлаштирилмаган».

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда, ана шу шармандали иллатнинг олдини олишда барча ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ўзаро алоқасини қандай яхшилаш, меҳнат коллективларн ва жамоат ташкилотлари билан бевосита алоқага қандай эришмоқ мумкин? Шаҳар прокурори Г. П. ФИЛИППЕНКОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлимининг бошлиғи Ж. Қ. ҚОСИМОВ, шаҳар суди раисининг ўринбосари Н. М. ПИСАРЕНКО, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Ж. ЖЎРАЕВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг медицина ҳушёрхоналарига раҳбарлик бўйича бўлим бошлиғи А. А. АҲМЕДОВлар иштирок этган «думалоқ стол» атрофидаги суҳбатнинг мавзуи ана шундай.









СУРАТДА: шаҳар суди раиси ўринбосари Н. М. Писаренко, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғи Ж. Қ. Қосимов, шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг медицина ҳушёрхоналарига раҳбарлик бўлими бошлиғи А. А. Аҳмедов, ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т. Ж. Жўраев, шаҳар прокурори Г. П. Филиппенков.

Т. Каримов фотоси.

Г. П. Филиппенков: Ҳуқуқ муҳофазаси органлари ишида ҳеч бир участка йўққи, унда ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг энг салбий оқибатлари намоён бўлмаётган бўлсин. Чиндан ҳам, жиноят содир қилган шахсларнинг деярли ярми жиноят содир этилган пайтда кайфи тарақ бўлган бўлади, аллаҳий безорилик каби оғир жиноятлар бўйича эса бу кўрсаткич —90 процентга етади. Қонунчилик маст ҳолатда жиноят содир этилишини айбни оғирлаштирувчи ҳол сифатида тан олиши бежиз эмас.

Бунинг устига жабрланувчи ҳам бадмаст бўлиши ҳоллари оз эмас. Бу айниқса, маиший жиноятлар бўйича ишларда кўпроқ кўринади. Маст-аласт ҳолда ака укага, эр хотинга муштумзўрлик қилиши ва бунинг оқибатини ҳеч нима билан тузатиб бўлмаслиги мумкин.

Мисол учун маъмурий практикани олиб кўрайлик. Майда безорилик, жамоат жойларида бепардоз сўкинишлар — буларнинг ҳаммасининг ортида яна ва яна кундалик ичкилик-бозлик, спиртли ичимлик оқибатидаги маънавий бузуқлик ётади. Алиментлар ундириш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги деярли барча ишлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Н. М. Писаренко: Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 12-моддасига алоҳида эътиборни қаратишни истайман. У шундай деб аталади: «Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик». У маст бўлгани сабабли шундай бўлди— қабилидаги гапларни тез-тез эшитиш мумкин. Аксинча, бундай ҳолларда айбни соқит қилишга уринмаслик лозим. Чунки ҳодиса бадмастлик оқибатида содир этилган. Судья жазони белгилашда қонунчиликка амал қилиб, судланувчининг ичкилик оқибатидаги мастлиги ҳолатини гуноҳни оғирлаштирувчи ҳол деб ҳисоблайди.

Г. П. Филиппенков: Келинг бир мисол келтирайлик. Тошкент автомобиль-йўл институти учинчи курсининг студентлари Б. Охунов, Б. Болтабоев, И. Юнусов имтиҳон топширилишини одатдагидек нишонламоқчи бўлишди. Анчагина ичиб олиб, тунги соат учда «Галаба» боғи ёнида таксига ўтиришди ва ҳайдовчидан Чилонзорга олиб боришни сўрашди. Машинани зим-зиё тор кўчада тўхтатиб, ҳайдовчига ташланишди, кунлик даромад —салкам эллик сўмни тортиб олишди. Жиноятчилар қўлга олиндилар ва судландилар. Болтабоев ва Охунов етти йилга, Юнусов эса олти йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Аллақачон чек қўйилиши керак бўлган ўзига хос студентлар таомили «беозор» майхўрлик-нинг оқибати шундай бўлди.

Н. М. Писаренко: Ҳозир халқ судлари олдида бевосита судланувчилар ишлаган, ўқиган меҳнат ва ўқув коллективларида тез-тез сайёр суд мажлислари ўтказиш вазифаси турибди. Токи, кишилар конкрет мисолларни кўриб, ичкиликбозлик қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишига яна бир бор ишонч ҳосил қилишсин. Ҳукм чиқарилар экан, ҳар бир иш бўйича жиноятга сабаб бўлган, кишини қора курсига олиб келган шарт ва шароитлар аниқланмоғи, хусусий ажримлар чиқарилмоғи лозим. Бундай практикадан амалда кенг қўлланилмаяпти.

Мухбир: Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 12-моддасида айтиладики, сурункали ичиб юрадиган алкоголикларни содир этилган жиноят учун жиноий жазолашдан ташқари суд қарори билан мажбурий даволаш чораси кўрилади. Лекин, судлов практикаси шуни кўрсатадики бу қоида ҳамиша ҳам ҳаётга тадбиқ этилмаяпти.

Г. П. Филиппенков: Бу ҳуқуқ муҳофазаси органлари ишидаги камчиликлардан биридир. Уни бартараф этишга биринчи навбатда тергов органларининг куч-ғайрати йўналтирилмоғи лозим. Айнан терговчилар тергов пайтида суд-психологик экспертизасини ўтказишлари шарт. Суд унинг асосида муҳтож бўлганларни мажбурий даволашга йўллаши керак.

Мухбир: Газетхонлар яна бир муаммо ҳақида фикр билдиришяпти. Кекса ота ва она редакцияга йўллаган хатида ёзишича, ўзларининг ўғли сурункасига ичади, лекин кўпинча бўлганидек, ўзини ичкиликбоз ҳисобламайди ва даволанишни истамайди. Участка инспектори эса ишни охиригача олиб бормади—уни мажбурий даволанишга жўнатмади.

Г. П. Филиппенков: КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ички ишлар органларидан ичкиликка ружу қўйган шахсларни тарбиялашда жамоат ташкилотларига, оилаларга ҳар томонлама кўмаклашишни талаб этади. Сурункали ичкиликбозлар, алкоголикларни аниқлаш, уларни кўнгилли даволанишга юборши ва бундан бўйин товлаганларни мажбурий даволанишга жалб этиш учун судга материаллар тайёрлаш — милициянинг бевосита вазифасидир.

Т. Ж. Жўраев: Бу тўғри, лекин бу иш расмийлаштирилиши учун бизга соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёрдами керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг: даволанишга юборилиши керак бўлган киши участка инспектори (чунки, унинг ўзи бормайди) ҳамроҳлигида медицина кўригидан ўтиш пайтида саккизта врачга бориши керак. Мутахассислар районнинг турли чекаларида қабул қилишади, текшириш натижалари ўн кун мобайнида берилади. Участка инспектори кўпинча бу ишни пировардига етказа олмайди: у ўз қўли остидаги кимсани яна қидириб топиб, навбатдаги врач ҳузурига олиб боргунча аввалги анализлар эскирган бўлади. Биз шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига мурожаат этамиз — медицина комиссияси мутахассисларини ҳар бир районда бир жойда жамланса дуруст бўлур эди. Бунда кўрикни бир кунда ўтказиш ва унинг жавобини тайёрлаш муддатини қисқартириш мумкин бўлади.

Мухбир: Қуйидаги ҳол ҳам анча тарқалган: киши юқори малакали мутахассис ҳисобланади, лекин ичади. Маъмурият уни даволанишга жўнатишни раво кўрмайди, у эса борган сари тубанлашади, қатнаб даволанмайди.

А. А. Аҳмедов: Бундай аҳволдан қутулишнинг яхшигина йўли бор, афсуски амалда қўлланилмаяпти. Бунда гап йирик корхоналар қошидаги наркология стационар бўлимлари ҳақида бораяпти. Бундай тажриба шаҳарда В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида бор. Ишчи одатдагидек иш сменасида дастгоҳи ёнида бўлади, кечқурун эса стационарда даволанади. Корхона ҳам зарар кўрмайди, бемор ҳам ўзини коллективга зарур киши деб ҳис этади, оилага ҳам оғирлик тушмайди.

Афсуски, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини 1984 йил 7 июнда «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг аҳволи ва хроник алкоголикларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволашни ташкил этиш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилганига қарамай саноат корхоналари бундай бўлимларни ташкил этишмаяпти. Тўқимачилик комбинати, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти, «Миконд» заводлари, «Ўзбекхлопкомаш», «Средазкабель», «Тошкент трактор заводи» бирлашмаларида наркология стационар бўлимларини қуришмаяпти.

Т. Ж. Жўраев: Корхоналар ва ташкилотларда ўтакетган ичкиликбозлардан қутулишга интилишади, район Совети ижроия комитети қошидаги ишга жойлаштириш комиссияси юборган кишиларни эса турли важлар билан ишга қабул қилмасликка ҳаракат қилишади. Тўғри; бу жўн йўл. Мисол учун тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш»ни олайлик — буларда ишчилар муттасил етишмайди, областларга бориб ишга таклиф қилишади, лекин комиссия тавсиясини бажаришмайди. Ўйлаймизки, ишга жойлаштириш комиссияларининг обрўси оширилмоғи, унинг йўлланмалари шаҳар корхоналари учун қонунга айланмоғи лозим.

Г. П. Филиппенков: Корхоналарнинг раҳбарлари ичкиликбозни ишдан бўшатиб, ундан кам наф тегади, деб ўзларини оқлашади. Башарти, у меҳнат қилмас экан, бундай кишидан қандай наф кутиш мумкин?

Ж. Қ. Қосимов: Шаҳарда ҳукм қилинганларнинг ўттиз проценти— текинхўрлар, ҳеч қаерда ишламайдиган, ичадиган кишилардир. Маълумки, текинхўрлар —жиноятга қўл уриши мумкин бўлган кимсалардир.

Г. П. Филиппенков: Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда, кишиларни тарбиялашда социалистик жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида меҳнат коллективлари алоҳида ўрин тутади. Улар меҳнат коллективлари тўғрисида СССР Қонунининг 17-моддасига биноан меҳнаткашларни ичкиликбозлик, безорилик, юлғичлик ва бошқа коммунистик ахлоққа ёт иллатларга муросасизлик руҳида тарбиялаш юзасидан чоралар кўриш ваколатига эгалар. Шундай қилаётган меҳнат коллективлари шаҳарда оз эмас. Бироқ, қатор корхоналарда ичкиликбозликка ҳомийларча муносабатда бўлиниши тарбиявий чоралар самарадорлигини пасайтиради. Чунончи, «Ташхимсельмаш» заводининг ўртоқлик суди мажлисида маст ҳолда жамоат жойида муштлашишни келтириб чиқарган тўрт ишчининг қилмиши кўриб чиқилган. Мажлисда ҳеч ким ишчиларнинг ахлоқини қораламаган.

Ж. Қ. Қосимов: Текшириш шуни кўрсатдики, саноат корхоналаридаги ўртоқлик судлари одатда милициядан тушган ишларни кўриб чиқади, ўз ташаббуси билан ишламайди. Ваҳоланки, уларга катта ҳуқуқлар берилган ва ҳар бир қилмишнинг бевосита коллективда кўриб чиқилиши янада кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Т. Ж. Жўраев: Меҳнат коллективлари корхоналарнинг маъмурияти ҳатто тартиббузарлар билан қандай иш олиб борилган, қандай жазо чораси кўрилгани ҳақида ички ишлар органларига ҳамиша ҳам хабар қилавермайди. Чунончи, «Ташсельмаш» заводида тартиб бузилишининг—31, 153-қурилиш трести да —44, «Таштекстильмаш» заводида —23, тўқимачилик комбинатида—19 ҳодисани жавобсиз қолдиришди. Айбдорларни йил якуни бўйича мукофотдан маҳрум этиш, отпуска ёки турар жой олиш навбатини орқага суриш каби ўз ҳуқуқларидан фойдаланишмаяпти.

Н. М. Писаренко: Меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари меҳнат коллективининг ичкиликхўр аъзосини юридик салоҳиятдан маҳрум этиш ҳақида судга илтимоснома билан чиқишдек самарали тарбиявий чорадан фойдаланишмаяпти. Бунга атиги бир нечтагина мисол келтириш мумкин. Булар ҳам маъмурий органлар ташаббуси билан қўзғатилган. Ҳолбуки, юридик салоҳиятдан маҳрум этиш ҳақида корхона касаба союз комитети ҳам, ўртоқлик суди ҳам, тартиббузарликнинг олдини олиш совети ҳам илтимоснома кирита олади.

Г. П. Филиппенков: Меҳнат коллективлари Қонунга таяниб, ўз ишчилари, хизматчиларининг, айниқса спиртли ичимликка ружу қўйганларининг ишдан ташқари пайтдаги ҳаётига активроқ аралашмоқлари даркор. Бўш вақтда нима билан шуғулланяпти, фарзандларини қандай тарбиялаяпти, қандай дам олаяпти — булар оддий масалалар эмас.

Ҳуқуқ муҳофазаси органлари эса балоғатга етмаганларни ичкиликка жалб этаётганларни, айниқса, ота-оналарни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш бўйича ишларни кучайтиришлари керак. Бундай жалб этиш кўпинча қандай қилиб ичишни кўрсатиш орқали бевосита рўй беришни унутмаслик лозим. Ўсмир учун намуна кўрсатиш ҳар қандай сўздан афзалдир. Ҳозир битирув имтиҳонлари ва кечалари ўтказиш даври бошланяпти. Сир эмаски, кўпгина мактабларнинг маъмурияти ота-оналар комитети ва битирувчиларнинг измига юриб, шампан виноси ичишга йўл беради. Кези келганда эслатиб ўтамиз: бу мутлақо таъқиқланган. Бунинг учун педагоглар зиммасига партиявий ва интизомий, зарур ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тушади.

Ж. Қ. Қосимов: КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидланадики, алкоголга қарши пропаганда чинакамига авж олдирилмаган, у ўткир масалаларни четлаб ўтади, жанговар характерда эмас. Қарор асосида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими олдида катта вазифалар турибди. Биз меҳнат коллективларида қонунчилик ва қабул қилинган қарорларни тушунтиришни бошладик, пропагандининг йўналишини ўзгартиряпмиз. У умумий бўлмаслиги, балки тингловчиларнинг муайян контингентига —ёшларга, ичкиликхўр кишиларга мўлжалланган бўлиши керак.

Г. П. Филиппенков: Шаҳар ҳуқуқ муҳофазаси органлари олдида ўртоқлик судларига, кўнгилли халқ дружиналарига, жамоатчилик советларига ичкиликбозликка қарши курашни ташкил этишда ёрдам бериш, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси билан яқин алоқада иш олиб боришдек конкрет вазифа турибди.

Мухбир: Редакцияга аҳоли гавжум жойларда, корхоналарнинг атрофида спиртли ичимликлар сотилаётгани ҳақида тез-тез сигналлар тушади. Газетхонлар ароқ барча магазинларда, ҳатто сабзавот магазинларида етарлича сотиляпти, уни лотокларда сотишни тўхтатиш пайти келмадими, деб сўрашяпти.

Г. П. Филиппенков: Бунинг битта йўли бор — савдо корхоналарининг раҳбарлари, аввало маъмурий, зарур бўлган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмоқлари лозим. Бу борада милиция ходимлари ғайрат кўрсатиши— юқоридаги каби фактларни аниқлаб, улар бўйича жиноий иш қўзғатмоқлари лозим. Афсус билан айтиш мумкинки, на ўтган йили, на бу йил бошида бундай ишлар қўзғатилмади.

Ниҳоят айтиб ўтиш керакки, эндиликда шаҳардаги барча ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ходимлари иллатни тарқатувчи, социалистик турмушга доғ туширувчи конкрет кишиларга қарши шунчаки курашибгина қолмайдилар— ҳуқуқ муҳофазаси органларининг куч-ғайрати ичкиликбозлик ва алкоголизмни юзага келтирувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилади.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўйлаймизки, «Думалоқ стол» атрофидаги суҳбат пайтида айтилган барча масалалар ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилади. Редакция шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасидан, халқ депутатлари маҳаллий Советларидан, «Билим» жамиятидан, меҳнат коллективларидан жавоблар ва мулоҳазалар, истаклар билдирилишини кутади. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш, ҳушёрлик ҳаёт нормасига айланиши учун кураш —барчанинг ва ҳар биримизнинг вазифамиздир.

«ДУМАЛОҚ СТОЛ» ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАРИ

— меҳнаткашларни меҳнатда, маънавий ва ҳуқуқий тарбиялашда меҳнат коллективларининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашдаги ролн оширилсин;

—ўртоқлик судлари, тартиббузарликнинг олдини олиш советларининг фаолиятн активлаштирилсин;

— аҳоли гавжум жойларда, корхоналар ёнида спиртли ичимликлар сотганликлари учун савдо ходимлари маъмурнй, зарур бўлган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилсин;

— район Советлари қошидаги меҳнат бўйича комиссияларнинг обрўси оширилсин, комиссия йўлланмалари корхоналарнинг раҳбарлари учун қонунга айлансин;

—алкоголизмга мубтало бўлган шахсларни юридик салоҳиятдан маҳрум этиш ҳақида жамоат ташкилотларининг судга илтимоснома билан чиқиш ҳуқуқи кенгроқ қўлланилсин;

— шаҳарнинг йирик корхоналарида стационар наркология бўлимлари қурилсин;

—ҳар бир районда алкоголизмдан даволанишга йўлланганларни кўрикдан ўтказиш бўйича медицина комиссияларининг мутахассислари бир жойга тўплансин;

— ичкиликбозлик ва алкоголизм фактларн бўйича сайёр суд мажлислари кўпроқ ўтказилсин, ҳусусий ажримлар чиқарилсин.

ИНСОН. ЖАМИЯТ. ҚОНУН.

4 (9)

«Совет кишиларининг жуда кўпчилиги спиртли ичимликни истеъмол қилиш катта иқтисодий ва маънавий зиён етказиши, унга жамиятимиз турмушида тоқат қилиб бўлмаслиги хусусида якдилдирлар».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорндан).

Факт ва шарҳ

Чора қўлланганини билдиради

Мен светофорнинг қизил чирофида чорраҳадан ўтиб кетдим. Инспектор мени тўхтатиб, қоидани бузганим учун 5 сўм жарима тўлашим кераклигини айтди. Тегишли суммани тўлаганимдан сўнг талонимга компостер қилиш йўли билан белги қўйишди. Нега энди қоидани бир марта бузган ҳайдовчига нисбатан икки хил чора кўрилиши керак бўлди!

Э. НЕЪМАТОВ, автоҳаваскор.

Ушбу саволга жавоб беришни Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекциясн бошқармаси бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори Т. А. ИНОҒОМОВдан сўрадик.

СССР Олий Совети Президиумининг «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида» 1983 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга кирган Фармонида қоидабузарларга нисбатан қандай чоралар кўриш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жумладан, қоидабузарларга қайси пайтда жарима солиш кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Маълумки, Фармон билан бир вақтда ҳайдовчилик гувоҳномасига янги талон жорий этилди. Бу эски огоҳлантириш талонидан нафақат қўлланиши билан, балки ишлатилиши билан ҳам фарқ қилади.

Энди кўп ҳолларда қоидани бузгани учун ҳайдовчига нисбатан қўлланилган маъмурий чора талонни компостер қилиш йўли билан қайд қилиб борилади. Янги талонда қайси ҳолларда қоида бузилганда жарима солинганлиги ҳақидаги белгини компостер қилиш йўли билан талонга тушириб бориш кераклиги кўрсатиб қўйилган.

Бу қуйидагилардан иборат: **(01) — транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганда, шунингдек, маст ҳолдаги шахсга рулни берганда; (02)— белгиланган тезликни оширганда; (03) —темир йўл переездидан ўтиш қоидаси бузилганда; (04)—кувиб ўтиш, маневр қилиш, чорраҳадан, пиёдалар йўлкасидан, жамоат транспорти бекатидан ўтиш қоидаси бузилганда; (05) —одам ташиш қоидаси бузилганда; (06)— ҳаракатни бошқариш сигналларига бўйсунмаганда, йўл белгилари ёки йўлнинг ҳаракат қисмидаги чизиқлар талабига амал қилинмаганда; (07) — олдини ўтиш имтиёзига эга бўлган транспорт воситасининг тўсиқсиз ўтиб кетишини таъминламаганда; (08)— транспорт воситасини ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахсга бошқариш учун берганда; (09) —ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаси бузилганда; (10) —авария ҳолатини вужудга келтирганда.**

Бундан ташқари талонга қоида бузилган вақт ва шифри, кўрилган чоранинг тури ва унинг ижро этилган вақти ёзиб қўйилади. Шундай қилиб, талондаги эндиликда Фармонда кўзда тутилган чоралардан бири ҳайдовчига нисбатан қўлланганини билдиради. Шу билан бирга, бу белги бир йил давомида такрор қоида бузилганини аниқлашга хизмат қилади. Бундай ҳолда қоидабузарга қаттиқроқ чора кўрилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани эслатиб ўтишни истардик. Айрим ҳайдовчилар талондаги кўрилган чоранинг турини, қоида бузилганининг вақтини ўзгартиришга ҳаракат қилишади. Очиғини айтганда бу ҳам ҳаёлга берилишдан бошқа нарса эмас.

Савол туғилиши мумкин: қандай ҳолларда талонга белги қўйилмайди? Юқорида келтирилган рўйхатга кирмаган қоидабузарлик учун ҳайдовчи огоҳлантирилади ёки фақат жарима солинади. Масалан, хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаган ҳайдовчига 3 сўмгача жарима солинади, лекин талонига бу ҳақда белги қўйилмайди. Яна бир мисол: Фармоннинг 1-моддасига мувофиқ, техник жиҳатдан носоз транспорт воситаси бошқарилгани учун ҳайдовчи огоҳлантирилиши ёхуд 3 сўмдан 10 сўмгача жарима солиниши мумкин. Бундай ҳолда ҳам талонга белги қўйилмайди.

Фожиа сабабчиси— лоқайдлик

Энг яхши лаззат, ҳаётнинг энг зўр хурсандчилиги — ўзингни кишиларга керакли ва яқин ҳис этишдир.

М. ГОРЬКИЙ.

Агар биз кундалик ҳаётимизга синчковлик билан назар солсак, кишилар ўртасидаги эскича муносабатлар, эскича фикрлашлар ҳали тўла барҳам топмаганлигини сезамиз. Буюк пролетар ёзувчисининг эпиграфда келтирилган сўзларида нақадар улкан маъно мужассам. Афсуски, бугунги кунда ҳам теварак-атрофимизда улуғ адиб айтган лаззатдан, хурсандчиликдан маҳрум кишиларни учратиш қийин эмас.

Серқатнов чорраҳа. Ҳакимжон заводдаги ҳамкасблари билан ишдан кейин йўл-йўлакай оз-оздан «отиб олишиб» қайтмоқда эди. Тўсатдан у светофорнинг қизил чироғига парво қилмасдан йўлдан ўта бошлади. ГАИ инспекторининг ҳуштаги ҳам уни ортига қайтара олмади. Қоидабузар пиёда йўлнинг ўртасига етиб келганида фожиа рўй берди. У яшил чироққа ишониб катта тезликда ўтаётган юк машинаси ғилдираги остига тушиб қолди. Ҳаммани Ҳакимжоннинг жон аччиғидаги фарёди ўртаб юборди. У билан бирга чорраҳага қадар одимлаб келган таниш-билишлари ҳам машина ғилдираги тагидан тортиб олинаётган жонсиз гавдага ачиниб қарашарди. Лекин кўнгли бўш туюлаётган шу одамларнинг бирортаси ўзи билан неча йиллар бирга ишлаган Ҳакимжонни қоида бузишдан қайтармадилар... Бу— лоқайдлик эди.

Район марказларидан биридаги касалхонада ишлайдиган яқин оғайним бир авария оқибатини ғазабланиб ҳикоя қилиб берди. Касалхонага ярим тунда мотоцикл авариясида оғир жароҳатланган икки ёш йигитни келтиришади. Кечаси қаршидан келаётган автомашина чироғи кўзини олиб қўйган Ҳикматилло йўлнинг қатнов қисмига тўхтатиб қўйилган ва авария чироғи ёқилмаган транспортга келиб урилади. Узи ва ҳамроҳининг кўл-оёқлари синади, бошлари шикастланади. Улар фалокат содир бўлган жойда узоқ вақт ёрдам сўраб ётишади. Серқатнов трассада «ҳолинг не кечди» деб хабар оладиган одам топилмади. Ниҳоят бир неча соат ўтгач, қандайдир рақмдил шофёр «тез ёрдам»га қўнғироқ қилади. Шунисига ҳам раҳмат. Оғрик азобида фарёд чекаётган йигитларга қиё боқмай ўтиб кетиб, манзилига етгач, юмшоқ ўринда бемалол мизғиганлар қанча эди. Врачлар туни билан курашиб чиқдилар. Аммо узоқ вақт қолиб кетгани учун кўп қон йўқотган Ҳикматилонинг ҳамроҳига кўрсатилган ёрдам бефойда бўлди. Ҳеч бўлмаса вақтида хабар берилганда эди, уч нафар нораснданинг отаси вафот этмаган бўларди. Энди уларнинг саволларига оталари ҳақида аварияда ҳалок бўлган, дейишар. Аслида шундаймикин?

Мотоциклдаги йигитлардан бирининг ўғлини да одамлар билвосита айбдор бўлишса, бугун эрта уйланадиган Ўткирнинг умрига унинг майхўр ошналари бевосита сабабчи бўлдилар. Тўкин дастурхон устида дўстлик, оилавий бахт, саломатлик учун кўтарилган қадахдан унга ҳам кетма-кет ичиришди. Бирор кимса бўлмадики, Ўткир машина бошқаради, дейдиган. Қуюқ зиёфат тугагач, хушнудлик билан тарқалишди. Эртасига зиёфат қатнашчиларининг аксарияти бошини ҳам кўлганича, кўзларида жиққа ёш билан Ўткирни кўмиш маросимида ҳозир бўлишди. У қайта-ётиб, рулни бошқара олмай қолган ва машина каналга қулаб тушган эди. Бу улфатчилик ва унинг оқибатида бир йигитнинг вафот этгани тез орада унутилар. Лекин «дўстлар» Ўткирнинг ака-укалари, опа-сингиллари ва ота-оналари нигоҳидан қаерга қочиб қутилишади?!

Лоқайдлик —кишилар ўзи учун моддий жавобгарлик сезмаган вазиятда вужудга келади. Шуниси ҳам борки, лоқайдлик билан ёнма-ён қабиҳлик одимлайди. Ёрдам қўлини чўзса, умршами сўнмаслиги мумкин бўлганларни кўрмасликка олиб ўтиб кетганларнинг, қўлида рул борлигини била туриб, унга қайта-қайта қадаҳ тутган қалбаки «ошна»ларнинг, ўз ҳамкасбининг қўлидан қадаҳни олиб қўйишга эринганларнинг қилмиши қабиҳлик эмасми?

Бир дарахт қуриётган бўлса, шоша-пиша тагини юмшатамиз, суғорамиз. Хуллас, уни ҳаётга қайтарамиз. Нега инсон ҳаёти қил устида турганда шундай жонбозлигимизни гоҳо унутамиз?

Умр бир мартага берилади, уни ҳар бир инсон шундай яшаши керакки, ортга ўгирилганда бехуда яшамабман, дейишга ҳақли бўлиши даркор. Бунинг учун эса одамлар ташвиши билан кунни ўтказиш зарур.

Ғ. БОЛТАБОЕВ.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Пенсионер Б. Маҳкамов редакцияга хат йўллаб, Маннон Уйғур кўчасидаги 17-болалар боғчаси ёнида машиналар серқатновлиги, лекин йўл белгиларн йўқлигини баён қилган эди.

